

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ НАЗАРИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

<https://doi.org/10.70728/conf.v2.i02.018>

Искандаров Шахбоз Шавкат ўғли

Шароф Рашидов номидаги

Самарқанд давлат университети таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим хизматларини ривожланиш назарияси таҳлил қилинган. Муаллиф олий таълим хизматларини ривожланиш назариясини ўзига хос услубда узок даврларга бориб тақалишини асослаб берган. Шунингдек, олий таълим хизматлари категориясига берилган таърифларини таҳлил қилган, баъзи бир камчиликлар кўрсатилган ва такомиллашган таърифи ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: ЯИМ, бозор иқтисодиёти, товар, талаб, таклиф, олий таълим хизматлари, бозор хизматлари, бандлик, ишсизлик, даромад.

Аннотация. В статье анализируется теория развития услуг высшего образования. Автор по-своему обосновал теорию развития услуг высшего образования, уходящую корнями в длительные периоды. Он также проанализировал определения, данные категории услуг высшего образования, указал на некоторые недостатки и разработал усовершенствованное определение.

Ключевые слова: ВВП, рыночная экономика, товары, спрос, предложение, услуги высшего образования, рыночные услуги, занятость, безработица, доход.

Annotation. The article analyzes the theory of development of higher education services. The author substantiated the theory of development of higher education services, rooted in long periods, in his own way. He also analyzed the definitions given to the category of higher education services, pointed out some shortcomings and developed an improved definition.

Key words: GDP, market economy, goods, demand, supply, higher education services, market services, employment, unemployment, income.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига, унинг тараққиётнинг рағбатли йўлига чиқишига таъсир кўрсатувчи омиллар жуда кўп. Уларнинг мўъжизага бўлиши таълим биринчи ўринда туради. Таълимнинг тараққиётни таъминлашдаги улкан имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланган давлатлар аллақачонлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт пойгасида пешқадамликни қўлга киритиш ва тараққиётнинг юқори чўққиларидан халқига муносиб ўрин эгаллаш шарафига муяссар бўлдилар. Таълим соҳаси ренессанс пойдеворини қуриш томон

қўйиладиган дадил қадам. У мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида чинакамига туб бурилиш яшаш имконияти эшигини очиб беради.

Буюк мутафаккир олим Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул қулуб”, Захриддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларида, муқаддас китоб “Қуръони Карим” ва “Ҳадисларда” ҳам таълим ва тарбия тўғрисида ғоялар мавжуд бўлиб, кишиларнинг яхши яшашлари, бахтли, саодатли кун кечиришлари учун фақат табиат ресурслари ва моддий неъматлар етарли эмаслиги, ўз эҳтиёжларини қондириш йўлида инсон ижод қилиши, таълим олиши, ўзи ва оила аъзолари учун зарур бўлган неъматларни яратиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Кишилар томонидан махсулот яратилиши, хизмат кўрсатилиши уларнинг ақлий фаолият юритиши билан боғлиқ. Кишиларнинг онгини, уларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда, қиёфасини ўзгартиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг таълим хизматлари, жумладан олий таълим хизматлари муҳим аҳамият касб этади. Ибтидоий жамоа даврида билимдон, чуқур мулоҳаза юритадиган, ишбилармон кишилар қабила сардори бўлишган. Археологик топилмаларда кишиларга йўл кўрсатаётган сардорларни, жамоани йиғиб, гаплашаётган раҳбарларни кўриш мумкин. Демак буларнинг барчаси ибтидоий жамоа даврида кишилар ўртасида бир-бирларидан баъзи хусусиятлари билан ажралиб турадиган кишилар бўлганлигидан далолат беради. Улар қабилани бошқариш, меҳнат жараёнларини ташкил этиш, ов қилиш, ёввойи ҳайвонлардан ўзларини ҳимоя қилиш, режалар тузиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда иштирок этган. Ўша даврдаги шундай кишилар маълумоти, билими, иш юритиши бошқалардан фарқ қилган. Бундай хусусиятларга эга бўлганлар маълумоти юқори саналган. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олий таълим хизматларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Бу, ўз навбатида олий таълим хизматлар назариясини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим хизматлар назарияси ва у босиб ўтган узоқ тарихий йўл унда вужудга келган оқимлар серра қирра ва мураккаб. Уларни ажратиш жуда қийин. Илмий адабиётларда фақатгина таълим хизматларини ривожланиш эволюцияси ҳақида фикрлар ва мулоҳазалар юритилган. Уларда алоҳида олий таълим хизматлари ажратиб кўрсатилмаган. Ибтидоий жамоа давридаги баъзи кишиларнинг хусусиятлари, меҳнат тақсимооти, меҳнат қилиши, ов жараёнидаги чакқонлиги бошқалардан ажратиб турадиган фазилатлари бўлган. Мана шу жиҳатларига қараб бизлар ўша вақтларда кишилар орасидан баъзи одатларига кўра уларни фарқлаш мумкин бўлган. Чакқон, хушмуомилали, тadbирли, ишбилармон кишилар маълумоти олий ҳисобланган. Бизлар ибтидоий жамоа даврида яшаган халқнинг урф-одатларини, бизгача етиб келган, музейларда сақланаётган тарихий буюмларнинг жозибадорлиги, ўша вақтдаги муҳимлигига қараб, уни ишлаб

чиқарган кишиларни маълумотини олий деб, қарасак хато бўлмайди. Демак, кишилик жамиятининг илк даврларида ҳам одамлар орасида олий маълумотлилар бўлган. Бизлар уларнинг фаолият юритганига қараб, олий таълим хизматларини ривожланиш тарихини ўргандик. Бизнинг назаримизда, олий таълим хизматлари соҳасининг назарий асослари мукаммал ишлаб чиқилмас экан ҳамда илмий асослаб берилмас экан, уни жадал суръатлар билан ривожлантириш, давлат кун тартибига қўяётган муҳим ижтимоий муаммоларни (аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ресурсларни тежаш) бартараф этиб бўлмайди. Шунинг ҳам алоҳида эътироф этиш ўринлики, бугунги кунда олий таълим хизматлари соҳасининг назарий масалалари бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, чуқур ўрганилмаган.

Олий таълим хизматлари кишиларнинг ижтимоий ҳаётида, иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлигига қарамасдан, мазкур масала тадқиқот ишларида етарли даражада ёритилмаган. Республикаимиз олимлари томонидан яратилаётган соҳага оид дарслик ва бошқа адабиётларда ҳам ушбу масалага етарлича эътибор берилмаган. Шу сабабли бўлса керак, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида олий таълим хизматларининг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида арзигулик илмий ғоялар шаклланимаган. Олий таълим хизматларининг ривожланиш тарихини билмасдан туриб, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаб бўлмайди.

Бу масалада ўзимизнинг айрим фикр ва мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. Олий таълим хизматлари узок вақт мобайнида кишилар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Жамият тараққиётининг барча босқичларида иқтисодий тизимнинг бир туридан иккинчи турига ўтишда айнан хизмат кўрсатиш соҳасининг олий таълим хизматлари асосий рол ўйнаган. Олий таълим хизматларини шаклланишида туризм алоҳида аҳамият касб этган[1]. Ибтидоий жамоа даврида кишилар ўтроқ ҳаёт кечирмаган. Улар доимо саёхат қилган, ўз жойларини тез-тез ўзгартирган. Бу ҳолат уларга янги одамлар билан танишишга, янги билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилган. Ўрганган тажрибаларини қабиладаги кишиларга тушунтиришган. Мана шу тариқа кишиларда бир-биридан фарқ қиладиган маълумоти шаклланиган.

Назарий тадқиқотларимиз мавжуд илмий мақола ва адабиётларда олий таълим хизматлари бўйича турли мазмундаги таърифлар келтирилганини кўрсатди. “Олий таълим хизматлари” тушунчасининг моҳиятини талқин этишда, унинг ижтимоий – иқтисодий аҳамиятини очиб беришда турли хил ёндашувлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчи олимлар “Олий таълим хизматлари” моҳиятини эмас, балки унинг ҳамма учун зарур бўлган ижтимоий томонларини кўрсатиб беришган. Масалан, Т.Н.Блинова, А.В.Федотовлар олий таълим хизматлари барча кишиларга тааллуқли

эканлигини таъкидлаб, уларнинг олий таълим олиш имкониятларини баҳолаган куйидаги ёндашувларга асосланишини кўрсатиб беришган: “..... ҳамма учун тенг имкониятлар яратиш, комплекс ёндашувга асосланиш (бу талабгорларга ташкилий, ҳудудий, молиявий, нарх ва академик олий таълимнинг очиклиги), структуравий ёндашувни ишлаб чиқиш (олий таълимнинг барча хизмат турларини фойдаланувчиларга кўрсатиш), эҳтимолий ёндашув (олий таълимга кириш имконияти)[2]. Шунингдек, бошқа тадқиқотчилар жумладан, Э.Н.Воронко “Олий таълим хизматларини мамлакатнинг иқтисодий моделига асосланган фаолият”[3], деб таъриф беради. В.С.Сенашенко. Т.Б.Медниковлар юқорида номлари зикр этилган олим ва тадқиқотчилардан фарқли равишда олий таълим хизматлари тўғрисида куйидаги фикрларни билдиришади: “ “олий таълим” тушунчаларидан ташқари ҳозирги кунда “Глобал таълим”, “Транс миллий таълим”, “Халқаро таълим” тушунчалар шаклланади ва ушбу хизмат турлари келажакда ривожланиб боради”[4].

Худди шундай таърифларни хорижий олимларнинг бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин.

Олий таълим хизматлари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Ушбу назарий қарашлардаги илмий асосланган мулоҳазаларнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, олий таълим хизматларини иш берувчи, иш ҳақи, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш нуқтаи назаридан эмас, ёки айтайлик хизматларни бир томондан иккинчи томонга кўрсатадиган фаолият тури сифатида эмас, балки олий маълумотли кадрларни тайёрлаш муддати, босқичи нуқтаи назардан қарашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки олий маълумотли кадрларни бир ёки икки йилда тайёрлашнинг иложи йўқ. Ҳатто бу борада баъзи манбалар куйидаги фикрларни учратиш мумкин: “... инсон капиталини ривожлантириш – бир кунлик иш эмас. Мазкур миссия комплекс ёндашув ва узоқ муддатли чора тадбирларни талаб қилади [5].”

Давлат таълим стандартларида белгиланган ўқув дастурлардаги фанларни ўзлаштиришда муддат муҳим аҳамиятга эга. Ўқув режа ундаги ҳар бир ҳафтадига юкламалар олий маълумотли кадрларни тайёрлашда назарда тутилган. Шу сабабли олий таълим хизматлари тушунчасига олий маълумотли кадрларни тайёрлаш жараёнини акс этадиган таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Олий таълим хизматларини олий маълумотли кадрларни тайёрлаш муддати нуқтаи назаридан қараш ушбу соҳанинг моҳияти, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва ўрни тўғрисидаги фикрларга аниқлик киритиш имконини беради. Бизнинг назаримизда “Олий таълим хизматлари” тушунчасининг туб моҳиятини очишда, унга таъриф беришда, олий таълим хизматларининг миллий иқтисодиётда ва аҳоли бандлигини

таъминлашда тутган ўрнини баҳолашда айнан сифатли хизматлар кўрсатиш ва махсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш нуқтаи назаридан, унинг биринчи даражали мақсади эканлигини тан олган ҳолда ёндашиш мавзуга оид кўп баҳс ва тортишувларга аниқлик киритиш имконини беради. Бироқ юқорида номлари зикр этилган иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан “Олий таълим хизматлари” тушунчасига берилган таърифларнинг биронтасида ҳам олий маълумотли кадрларни тайёрлаш муддати, тайёрлаш босқичлари ўз аксини топмаган. Шулардан келиб чиқиб, унга қуйидаги таъриф беришни лозим деб, топдик: олий таълим хизматлари умумиқтисодий категория бўлиб, умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал таълим хизматларидан кейинги юқори маълумотли кадрларни тайёрлашда 4 йил муддатда кам бўлмаган, икки босқични ташкил этадиган иқтисодий фаолият турига айтилади.

Фойдаланилган адабиётлар рйўхати

1. Селиванова С.И. История развития сферы образовательных услуг в зарубежных странах. Вестник Университета № 17, 2014. С.249.
2. Блинова Т.Н. Федотов А.В. Доступность услуг высшего образования: понятие и методики оценки. Управленческое консультирование №12. 2018г. С.130-131.
3. Воронько Э.Н. Особенности образовательной услуги как объекта стратегии регионального вуза в экономике знаний «Вестник Гродзенскага дзяржаўнага ўніверсітэта імя Янкі Купалы. Серыя 5. Эканоміка. Сацыялогія. Біялогія» Том 10, № 2, 2020 ISSN 2221-5336. С.17.
4. Сенашенко В.С., Медников Т.Б. Компетентностный подход в высшем образовании: миф и реальность // Высшее образование в России. – 2014. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kompetentnostnyy->
5. Муминов Н.Ғ. Таълим хизматларининг ижтимоий таркибини ўзгариб боришининг дастлабки натижалари // Замонавий таълим. № 5. 2023 й., Б.22.